

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АДир ЯЙЛОВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ДИНАМИКАСИ

У.Ў.Рахимов—мустақил тадқиқотчи

Қарши Давлат ирригация ва агротехнологиялар институти

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятининг адир яйловлари ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: адирлар, ўсимлик қоплами, иқлим хусусиятлари, трансект, ёғингарчилик, ҳосилдорлик, фитомелиорация.

Annotation. The article describes the data on the productivity of hill pastures of Kashkadarya region.

Key words: hills, plant cover, climatic features, transect, precipitation, productivity, phytoremediation.

Кириш. Қашқадарё вилояти республикамізда яйлов чорвачилиги ривожланган йирик регионлардан бири ҳисобланади. Вилоятнинг Муборак, Косон туманлари яйловлари тоғ олди чўл минтақаси яйловларига хос ўсимлик қопламига эга бўлса, Ғузор, Дехқонобод, Қамаш, Шахрисабз, Китоб, Чирокчи туманлари яйловлари эса адир минтақаси яйловларига хос бўлиб, ўсимлик қоплами асосан эфемер ва эфемероид турлардан ташкил топган. Адир яйловларининг яйлов чорвачилигида қулайлик ва шу билан бирга ноқулайлик томонлари мавжуд. Яйловларнинг қулайлик томонларига баҳорги мавсумда чорва ҳайвонларини юқори тўйимли, аъло даражада ейилувчангликка эга барра ўтлардан иборат озуқа билан таъминлаш хусусиятини киритиш мумкин. Ноқулайлик томонларига эса яйлов ҳосилдорлигининг гидротермик шароит билан узвий боғлиқлигини, ёзги мавсумдан бошлаб озуқа захираларининг кескин камайиб кетишини ва куз-қиш мавсумларида фойдаланиш учун деярли яроқсиз ҳолда бўлишини киритиш мумкин.

Кейинги йилларда глобал иқлим ўзгариши яйловлар ўсимлик қопламининг ривожланиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу ҳолат бевосита йиллик ёғингарчилик миқдорининг камайиши, қор шаклидаги ёғингарчиликнинг тезда эриб кетиши, тупроққа намликнинг сингишининг камайиши, физик буғланишнинг кучайиши каби ҳолатлар натижасидир. Шу боис, адир яйловларининг кейинги йиллардаги ҳосилдорлик динамикасини мониторинг қилиш яйлов чорвачилиги озуқа захираларини мустаҳкамлашнинг самарали йўллари белгилаш имконини беради.

Тадқиқотлар мақсади. Қашқадарё вилояти адир яйловларининг кейинги йилларда юзага келган иқлим хусусиятлари шароитида ҳосилдорлик динамикасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларни олиб боришда табиий яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланмалардан [2; 3] фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар 2021-2023 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг Нишон, Ғузор ва Қамаш туманларида олиб борилди. Тадқиқот йилларида турли йилларда йиллик ёғингарчилик миқдорининг турлича бўлганлиги кузатилди. Масалан 2021-2023-йиллар иқлим хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилиб, 2021-йилни серёғин, 2022-йилни ўртача ва 2023-йилни эса қурғоқчил йиллар қаторига қўйишимиз мумкин. Қашқадарё вилоятининг Нишон, Ғузор ва Қамаш туманлари яйловлари денгиз сатҳидан турли баландликларда жойлашган ва туманларда бўладиган ёғингарчилик миқдорлари ҳам турлича. Масалан, 2021-йилда Нишон туманида

ёғингарчилик миқдори 96,3 мм ни, Ғузур туманида 163,2 мм ни ва Қамашу туманида 172 мм ни ташкил қилди. 2022-йилда эса бу кўрсаткич Нишон туманида 201,4 мм ни, Ғузур туманида 238,7 мм ни ва Қамашу туманида эса 319 мм ни ташкил қилди.

Ўта қурғоқчил йил ҳисобланган 2023-йилнинг баҳор мавсумида эса ёғингарчилик миқдори Нишон туманида 49,3 мм ни, Ғузур туманида 71 мм ни ва Қамашу туманида 90 мм ни ташкил қилди. Турли йиллардаги юзага келган иқлим шароитларига қараб, яйловлар ҳосилдорлиги ҳам турлича бўлганлиги кузатилди. Яъни, 2021 йилда Нишон тумани яйловларининг ҳосилдорлиги гектаридан 1,7 центнерни ташкил қилган бўлса, 2022-йилда бу кўрсаткич 2,3 ц/га ни, Ғузур туманида эса мутаносиб равишда 2,5 ва 2,8 ц/га ни, Қамашу туманида эса 3,2 ва 4,6 ц/га қуруқ массани ташкил қилди. Ғузур туманида кўп йиллик кўрсаткичлар бўйича ўртача ёғингарчилик миқдори 285 мм бўлган [1].

Ҳозирги кунга келиб, глобал иқлим ўзгариши натижасида йиллик ёғингарчилик миқдори ҳам ўзгарганлиги кузатилмоқда. Кейинги икки йилда, яъни 2021-2022 йилларда ўртача ёғингарчилик миқдори 200,9 мм ни ташкил қилади. Агарда ўта қурғоқчил келган 2023 йилги кўрсаткичларни қўшсак, бу миқдорнинг янада камайишидан дарак беради. Демак, кейинги йилларда ёғингарчилик миқдорининг кескин камайиши кузатилмоқда. Бу ҳолат албатта яйловлар ҳосилдорлигига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Яйловлар ҳосилдорлигини белгилловчи киш ва баҳор мавсумларида ёғадиган ёғингарчилик миқдори туманларда бир хил эмас. Ғузурда бу кўрсаткич 2023- йилда 71мм, Нишонда 49 мм ва Қамашуида эса 90 мм бўлган. Шу боис, Нишон яйловларининг ҳосилдорлиги атиги 0,7 с/га, Ғузур яйловлариники 1,9 с/га ва энг юқори ҳосилдолик Қамашу яйловларида бўлиб, гектаридан 2,7 центнерни ташкил қилган (1-жадвал). Ушбу кўрсаткичлар адир яйловларида қурғоқчил келган 2023-йилда эфемер ва эфемероид турларнинг баҳор мавсумида яхши ривожланмай қолганлигидан дарак беради.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти адир яйловларининг ҳосилдорлик динамикаси, ц/га

Туманлар	2021-йил	2022-йил	2023-йил
Нишон	1,7	2,3	0,7
Ғузур	2,5	2,8	1,9
Қамашу	3,2	4,6	2,7

Ваҳоланки, адир яйловларининг ҳосилдорлиги иқлими қулай келган йилларда ушбу кўрсаткичлардан камида 2-3 маротаба юқори бўлишини жадвал маълумотлари исботлаб турибди.

Хулосалар. 1. Қашқадарё вилояти адир яйловлари минтақасида глобал иқлим ўзгариши оқибатида кейинги 48-50 йил давомида ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори сезиларли камайган (ғузур туманида бу кўрсаткич 84,1 мм ни ташкил қилмоқда) ва бу яйловларнинг ўртача ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

2. Қашқадарё вилоятининг адир яйловлари ҳосилдорлиги йиллик ёғингарчилик миқдори ва яйловларнинг денгиз сатҳидан баландликда жойлашган ўрнига қараб кейинги йилларда 0,7-4,6 ц/га қуруқ масса атрофида ўзгариб туради ва мавжуд чорва ҳайвонларини яйлов озукаси билан тўлиқ таъминлаш имконини бермайди.

3. Вилоятнинг адир минтақасида кўп йиллик, узок вегетация даврига эга бўлган чўл озукабоп ўсимлик тур ва навларини синаш, истиқболли тур ва навлар уруғчилигини йўлга қўйиш, юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларини барпо қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гаевская Л.С., Сальманов Н.С. Пастбища пустынь и полупустынь Узбекистана. Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1975.-138 с.